

Тошкент шаҳрида янги йўл ва кўприклар очилди



Муборак Рамазон ойида янгиликлар ва яхшиликлар кўп бўлди. Ҳайит кунларида Тошкент шаҳрида яна бир мажмуа – янги йўл ва кўприклар очилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 3 май куни ушбу транспорт иншоотини бориб кўрди.

Унинг қурилиши 2020 йил августда бошланган эди. Лойиҳа доирасида 6,5 километр узунликдаги 6 тасмали автомобиль йўли, 6 та кўприк қурилди. Бу орқали Сергели туманидаги Қипчоқ кўчаси Яккасарой туманидаги Чўпонота ва Усмон Носир кўчалари билан самарали боғланди.

Шу пайтгача Сергели туманидан шаҳар марказига келиб-кетадиган автомобиллар асосан битта йўл – Янги Сергели кўчаси орқали ҳаракатланар эди. Соатига 4 мингта автотransпорт қатновига мўлжалланган бу йўлда аслида юклама бундан катта, шу боис эрталаб ва кечки пайтларда жуда тирбанд бўларди.

Янги қурилган йўл соатига 12 мингтагача автотransпортни ўтказиш қуватиغا эга. Бу тирбандлик муаммосини бартараф этиб, пойтахт аҳолисига жуда катта қулайлик яратади.

Кўприклар, уларга чиқиш-тушиш қисмлари оқилона лойиҳалаштирилиб, мавжуд йўлларга светофорсиз уланган. Натижада автотransпортлар бошқа йўллардаги қатновга тўхтовсиз, қулай тарзда қўшилиб кетиши мумкин.

Яна бир томони – ҳавога таъсири. Маълумки, юртимизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лекин бу фақат дарахт экиш дегани эмас, балки экологияни асраш ҳам демакдир. Янги йўл очилиши натижасида ҳавога зарарли газ чиқиши 3 баробарга камаяди.

Йўл бўйларига энергия тежамкор ёритгичлар, узум ишқомлари ўрнатилган. Бўш майдонлар кўкаламзорлаштирилиб, пиёдалар йўлаги ва велоўлакчалар ташкил этилган.

Шу ерда Тошкент шаҳрида автомобиль йўллари қуриш ва шаҳар транспорт тизимини такомиллаштириш таклифлари тақдироти ўтказилди. Бугун очилган йўлни давом эттириб, Сергели туманини айланиб ўтувчи ҳалқа йўлигача 6 километрлик йўл барпо этиш лойиҳаси маъқулланди.

Давлатимиз раҳбари йўлларнинг ўтказувчанлик қобилиятини оширишга кўпроқ эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

- Ҳамма жойда йўл қуриб ёки кенгайтириб бўлмайди. Кўп нарса қатновни тўғри ташкил этишга ҳам боғлиқ. Энди йўлларнинг, чорраҳаларнинг ўтказувчанлигини ошириш, рақамлаштириш орқали аҳолига қулайлик яратиш керак, - деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз шу ерда тошкентлик нурунийлар, жамоатчилик фаоллари билан суҳбатлашди.

- Миллий қадриятимизга кўра, йўл ва кўприк қуриш - савоб. Одамларнинг узоғини яқин қиладиган бу йўл ҳозирги улуғ айём кунларида очилаётгани ҳам қувонарли. Илгари «Сергелида 10 та уй қурса бўладими» деганда ҳеч ким ишонмасди. Охириги беш йилда Сергели ва Янгиҳаёт туманларида 800 га яқин кўп қаватли уйлар қурилди, қарийб 100 минг аҳоли бошпанали бўлди. Мана энди йўллари ҳам ривожланыпти. Ҳозир мутахассислар билан кейинги лойиҳалар бўйича ҳам маслаҳатлашиб олдик. Уларни вақти билан, меҳнатимиз билан, тинчлик-осойишталикда амалга ошира оламиз, - деди давлат раҳбари.





Манба